

2022 йил

“Ўзбекэнерго” АЖнинг 2018 йил  
27 ноябрдаги №612-сонли буйруғига  
Илова №1

## Юридик шахслар учун электр таъминоти ШАРТНОМАСИ

2022 йил “24” январь

0475-сон

Ўзур шаҳри

(шартнома тузилган манзил)

Низом асосида фаолият юритувчи  
«Кашқадарё ХЭТ» АЖ, Ўзур туман электр таъминоти корхонаси раҳбари

(хўжалиқ электр тармоқлари корхонасининг номи)

Э. Пардаев

(кейинги ўринларда

(хўжалиқ электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи  
Ўзур туман хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари

(“Истеъмолчи”нинг номи)

Ғ.У.Эркулов

(кейинги ўринларда

(“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

“Истеъмолчи” деб аталади), ҳисоб рақами— иккинчи томондан мазкур  
шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:  
актив 18000 кВт.с., реактив \_\_\_ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи  
табақалаштирилган, бир ставкали тариф

(тариф тури, табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб борувчи коэффициент билан (кераклиши енгиллиги))

бўйича **8 100 000** сўмни ташкил этади.

2.3. “Истеъмолчи”га йиллик энергия ҳажми ойлар бўйича ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ етказиб берилади.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда - ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги №277-сонли табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатилиши тартибга солиш тўғрисидаги қарорининг 1-иловасида кўрсатилган, “Истеъмолчи”ларга узатиладиган энг кам йиллик энергия ҳажми **18000** кВт.с.ни ташкил этади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. 08.11.2017 йилдаги ПҚ-3379-сонли қарорда кўрсатилган алоҳида турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки ўсиб борувчи коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундай юқори бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширилади.

Табакалантирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:  
ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – ўрнатилган тариф бўйича;  
тигиз пайт – энг катта юкломали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкломали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;  
тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкломали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаовчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Бир ставкали тарифга эга бўлган истеъмолчилар II-тариф гуруҳига мансуб бўлади.

Электр энергияси учун ҳисоб-китобларда табакалантирилган тариф қўлланилмаган истеъмолчиларга бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАдан кам бўлган “Истеъмолчи”ларга электр энергия нарҳини шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар ва ўсиб боровчи коэффициентли тўловлар асосида амалга оширилади.

3.3. Истеъмол қилинган электр энергияси учун шартнома асосида “Истеъмолчи” билан “Қорхона” ўртасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида электр ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

“Истеъмолчи” ҳақиқий энергия истеъмоли ҳажмини белгиланган шаклдаги ҳисоботини “Қорхона” ва “Бюро”га ҳар ойнинг 30-31 санасигача ўз қўли билан, факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган, тўловларни табакалантирилган тарифга асосан амалга оширувчи “Истеъмолчи”лар электр энергиясининг актив ва реактив сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарган тақдирда “Истеъмолчи” янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилган электр энергияси тўловини янги тарифлар бўйича олиб боради.

3.6. “Истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлангандан сўнг амалга оширилади.

3.7. “Истеъмолчи”нинг электр энергия сарфи бўйича ҳисоботига асосан “Қорхона” электр энергия ҳисоб-китобини амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисобварагини беш кун ичида тўлаш шарт билан ёзиб беради.

“Истеъмолчи”да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Электр энергиясини ҳисобга олиш прибори электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, технологик исроф шартноманинг 4-иловаси яъни томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ҳақидаги далолатномага асосан аниқланади ҳамда мазкур шартноманинг 5-иловасида кўрсатилади.

Бунда, табакалантирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфини сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варагини ёзиш учун мутаносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Қорхона” томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб даври учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, бу ҳақда “Истеъмолчи”нинг ҳисоб варағида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида “Бюро” томонидан ёзиб олингандан кейин “Қорхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китобини ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Электр таъминоти шартномасида ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилганидан 5 фоиздан ортиқ миқдорда электр энергияси истеъмол қилинганда истеъмолчилардан (маиший истеъмолчилардан

ташқари) электр таъминоти шартномасида кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг такқослаш далолатномасини тузади.

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;
- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;
- "Бюро" томонидан кўрсатилган талабларни ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакиллари ҳисоблагич кўрсаткичларини олиш учун қаршилик кўрсатганда;
- ҳисоблагичлар касддан бузилганда, электр ҳисоблагич кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқий таъсир кўрсатилганда;
- электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. "Истеъмолчи"ни тармоққа қайта улаш, "Истеъмолчи" томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг амалга оширилади (ЭНҲАТга уланган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно).

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. "Истеъмолчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ ҳудудий электр тармоқларига улаш;
- сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;
- электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;
- ҳудудий электр тармоқлари корхонасига улар истеъмол қиладиган электр энергияси ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда электр энергиясининг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан 10 кун олдиндан (жорий ой тугагунгача) берилиши керак;
- электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси етказиб берилиши оқибатида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси томонидан етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш;
- электр таъминоти шартномасини бекор қилганда фойдаланил-маган электр энергияси миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда электр таъминоти шартномасини бекор қилиш;
- электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;
- электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунлиши бўйича юқори ташкилотга, мансабдор шахсга мурожаат қилиш.

Электр энергияси истеъмолчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" қуйидагиларга мажбур:

- ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш режимида риоя этиш;
- фойдаланилган электр энергияси (куват) учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;
- ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;
- электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- Бюро ва "Ўздавэнергозорат" инспекциясининг ёзма кўрсатма-ларини ўз вақтида бажариш;
- Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларига риоя этиш;
- ўрнатилган тартибда Бюро ва/ёки ҳудудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини кўришига имкон бериш.

- йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилма-ларидан фойдаланиш бошланганидан камидан бир ой олдин (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясининг зарур миқдори учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига буюртманома бериш;

- келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, центришга, шамоллатишга электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

- 5 МВт ва undan ортик қувватга уланган электр энергияси истеъмолчилари ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг талабига кўра қуйидагиларни ҳисобга олиши ва бу ҳақида хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

- “Истеъмолчи” конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- истеъмолчилардан электр таъминоти шартномасида белгиланган мажбуриятларни тегишли даражада бажаришни талаб этиш;

- истеъмолчилар томонидан электр таъминоти шартномаси шартлари бажарилмаслиги ёки бузилиши оқибатада унга етказилган зарарнинг белгиланган тартибда қопланиши;

- авария режимида Бюрони хабардор қилган ҳолда истеъмолчиларнинг электр тармоқларидан узиш (учириш);

- Бюро кўрсатмаси бўйича истеъмолчиларни электр тармоғидан, шунингдек, ЭХНАТга уланган ва олдиндан тўланган маблағ тугагандан сунг электр энергияси учун олдиндан тўловни амалга ошириш қурилмасига эга ҳисобга олиш асбоб мавжуд бўлган истеъмолчиларни узиш.

- Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари конунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

- Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ёки Бюро мазкур Қоидадар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар”

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

- истеъмолчиларнинг электр энергияси тўлик етказиб берилмаган-лиги ёки электр таъминотида бошқа қоида бузилишлар тўғрисидаги аризаларини, истеъмолчидан ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқини, ушбу қоида бузилишларини баргараф этиш ва истеъмолчиларга ушбу Қоидаларга мувофиқ батафсил жавоб юбориш;

- электр энергиясини электр тармоқларининг баланс бўйича манублик бўлишини чегарасига электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

- ускуналарни, электр узатиш линияларини, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини эксплуатация қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ускуналарни таъмирлаш, шунингдек, ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида носозликларни баргараф этиш;

- ўз электр тармоғи хўжалиги объектларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада сақлаб туриш;

- электр тармоғи хўжалиги объектларининг режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камидан 3 кун олдин огоҳлантириш;

- истеъмолчиларга электр энергияси етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълумот бериш;

- жорий этиладиган чеклашлар ҳақида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;

- истеъмолчиларга ўрнатилган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асбобларини алмаштириш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатишни таъминлаш, шунингдек Бюро билан биргаликда уларни иломбалаш;

- истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясини белгиланган тартибда ҳисобга олиб бориш;

- истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – бу ҳақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар қилиш;

“Истеъмолчи” конунчиликда мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, "Корхона" бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур. "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. "Корхона" қуйидаги ҳолатларда "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди:

"Истеъмолчи"нинг шартномавий миқдордан ортиқча энергия истеъмол қилиши натижасида, энергиянинг сифат кўрсаткичларининг тушиб кетишида, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган ҳолларда:

захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. "Истеъмолчи" "Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофиқ ўчирилганда ёки енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлганда, "Корхона" "Истеъмолчи" олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

## VI. Яқиний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабрь гача бўлган муддатга тузилади.

Мазкур шартномага ўзгартириш киритиш ой давомида қабул қилинмайди, кейинги ойда кучга киради.

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шarti билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, иккала томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзо билан тасдиқланиб ёзма равишда тақдим этилганда ҳақиқийдир.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### Қашқадарё ХЭТ» АЖ, Ғузур ТЭТ Корхона

Почта манзили: Ғузур шаҳри, Дўстлик кўчаси 26 уй.  
Банк: ЎЗСАНОВАТҚУРИЛИШИ АЖИОНЛАШТИРИШ АТБ Қарши  
Х-рақам: 226360005001777  
Банк коди (МФО): 00854  
СТНР (ИНН): 20066649  
ОҚЭД :35140  
Телефон: (факс) 75-55244-67  
Статик кодлар:  
ДБИВТ (СОГУ): 11170  
МИОБТ (СОАТО): 1710235

Корхона директори  Э.Пардаев

### Ғузур туман Хокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси

Юридический адрес: Ғузур туман, Чанок МФИ  
ИНН: 206783891


Телефон: 5523315

Банковские реквизиты

Банк: Ўз.Рес.Марказий банкнинг филиали

Х/Р: 1000228601020706420010001

МФО: 00014 ИНН: 206783891

Раҳбар 

ОҚЭД: \_\_\_\_\_